# 1994 — ТИНЧЛИК, ҚУТ-БАРАКА, БАХТ-САОДАТ ЙИЛИ БЎЛСИН!


# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 31 декабрь
ЖУМА
№ 131 (5.572).

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган









Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## *Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида*

# *А Х Б О Р О Т*

28 декабрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси иш бошлади. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Халилов очди.

Мажлис аҳли бевақт вафот этган Ўзбекистон халқ депутати Тожихон Зойитбоева хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди.

Мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, Олий Кенгаш 1993 йилнинг 31 октябрида Қорақалпоғистон Республикаси 479- Беруний сайлов округидан сайланган Бозорбой Хайитбоевич Ўразалиевнинг депутатлик ваколатини тўғри деб топди.

Депутатлар сессия кун тартибини тасдиқладилар ва котибиятни сайладилар.

Ўзбекистон Республикаси' Президенти Ислом Каримов Олий Кенгаш сессиясида нутқ сўзлади.

Қисқа танаффусдан сўнг мажлис ўз ишини давом эттирди. Уни Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Э. Халиловнинг маърузаси тингланди. Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказувчи марказий сайлов комиссияси тузилди.

Ўзбекистон молия вазири Э. Боқибоев 1994 йилги республика бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан Олий Кенгашнинг қарори қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси раиси Э. Хўжаевнинг маърузасига биноан Олий Кенгаш «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Депутатлар ушбу қонунларни бир овоздан қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев соғлиги ёмонлашгани туфайли ўз вазифасидан озод қилишни сўраб ёзган аризасини ўқиб берди.

Депутатлар Ш. Йўлдошевнинг илтимосини инобатга олди.

Президентнинг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

Парламентнинг кечки мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг маърузасига биноан «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қабул қилинди.

«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур масалалар бўйича саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизматлар кўрсатиш ва савдо қўмитаси раиси Ф. Нажмиддиновнинг маърузаси эшитилди. Мазкур қонунлар ҳам қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси 29 декабрь куни ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Халқ депутатлари номидан Э. Халилов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни бу лавозимга сайланган кунига икки йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклади.

Сессия «Айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни муҳокама этди ва қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартномаларни, давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш, қуролли тўқнашувлар қурбонларини муҳофаза қилиш борасидаги энг муҳим чора-тадбирлар, қочоқлар ва кўчишга мажбур бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш, Афғонистонда ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган бошқа давлатларда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига давлат ижтимоий ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги битимларни тасдиқладилар, шунингдек, халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигига доир конвенцияларга ҳамда протоколга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги ҳамда «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

## ВАТАНИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОБРЎЙИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар, биродарлар, халқ ноиблари!

Авваламбор, сизлар билан учрашганимдан, дийдор кўришганимдан хурсанд эканимни изҳор қилмоқчиман.

Мана, қарийб тўрт йил давомида халқимиз бизларга топширган вазифаларни бажаришда, ўз фаолиятимизда бир-биримизга суяниб, таяниб ишлашда, хизмат қилишда шахсан мен сизлардан катта куч-қувват, кўмак ва ёрдам топяпман.

Шу тўрт йил мобайнида қанча-қанча синовлар, машаққатли тўфонларни, айни замонда шарафли, ҳаётимизда из қолдирган ишларни — воқеаларни бошимиздан кечирдик.

1. Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти биринчилар қаторида сайланди, шу билан мустақиллик йўлида илк қадам қўйилди.

2. Юртимизни, жафокаш халқимизни ноўрин иғво—маломатлардан халос этиш, ўзбек номини тоза-пок сақлаш мақсадида қилинган ҳаракатларимиз ўз натижасини берди.

3. Мустамлакачилик, мустабидлик, мутелик исканжасидан, собиқ марказ тазйиқларидан озод бўлдик, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

4. Истиқлол йўлида дадил юрдик. Тарихимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга, ўзлигимизга таяниб, жаҳоннинг илғор тажрибасига суяниб ички ва ташқи сиёсатимизни аниқладик, дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирдик ва Ўзбекистоннинг салоҳиятию обрўсини намойиш этдик.

5. Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик; аждодларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар — бобокалонларимиздан қолган меросни асраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафкурасини шакллантириш, дину иймонимизни, анъаналаримизни қадрлаш, обрўйимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

6. Эски иқтисодий сиёсат, ўзини оқламаган тизимни кескин ўзгартириш, янгилаш, замон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига ўтишда ўзимизга хос, ўзимизга мос беш тамойилга асосланган йў-

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг фарзандлари!

Ёрқин воқеаларга бой бўлажак Янги йил байрами шодиёналари арафасида сизларни оталик меҳрим билан қутлайман!

Жаҳон халқлари Янги йилни яхши тилак, эзгу ниятлар билан қарши оладилар. Бу байрам, айниқса, сиз — азиз болажонларнинг севимли байрамларингиздандир. Шу кунларда яхшилик рамзи бўлиб яшил тусда товланган арча атрофида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари болалари қўл ушлашиб яйрамоқдалар. Бу байрам аҳиллик байрами ҳамдир.

Сизларга шарафли даврда — мустақилликка эришилган қутлуғ даврда яшаш насиб этди. Сиз мустақиллик ва эзгулик фарзандлари бўлиб туғилдингиз. Шу сабабдан, севимли диёримиз Ўзбекистон сизларни пухта билимли, юксак ахлоқли, ватанга садоқатли ўғил-қиз бўлиб етишишингизни тилайди.

Азиз фарзандларим! Ватанимиз, халқимиз, ота-онангиз бахтига соғ бўлинг, юзингиз доим ёруғ бўлсин. Келажагингиз порлоқ бўлишига ишонаман. Сизларни кириб келаётган Янги йилингиз билан яна бир бор чин қалбдан табриклайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, кредит—пул тизимини ҳимоя қилиш ва миллий валютага ўтиш, республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, барқарорик ва фуқароларнинг тотувлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини ошириш юзасидан республикада олиб борилаётган ишлар тўлалигича маъқуллансин ва қўллаб-қувватлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари ижтимоий соҳаларга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, кредит—банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширсинлар. Республиканинг четга мол чиқариш имкониятларини кучайтириш ва иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлар билан уйғунлашувини янада кенгайтириш, улар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни барча чоралар билан ривожлантириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасига хизмат кўрсатиш тармоғи объектларини ажратилган ер майдони билан бирга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ҳамда чет эл фуқароларига тажриба тариқасида хусусий мулк қилиб беришга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ВАЗИФАСИНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Эркин Ҳамдамович Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши**
**Раисининг ўринбосари** Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎРТОҚ Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Йўлдошев Шавкат Муҳиддинович саломатлигига кўра эгаллаб турган лавозими — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси вазифасидан ўз аризасига биноан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши**
**Раисининг ўринбосари** Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

*Йиллар ва одамлар*

# АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН



**1993 йилда Тошкент вилоятининг кўпгина хўжаликларида пахта ҳосилининг муайян қисми қор остида қолди. Аммо Ўрта Чирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида бебаҳо бойлик нобуд қилмай йиғиштириб олиниб, йиллик режа 116 фоизга бажарилди. Бунда хўжалик раҳбарлари, мутахассисларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги муҳим омил бўлди.**

Янги йилни муносиб меҳнат совғаси билан қаршилашга одатланганмиз. Бу йил ҳам ҳамжиҳатликда ишлаб, анъанага содиқ қолдик. Тилга олса арзигулик ишлар бор. Байрам арафасида қишлоқларимизни юз фоиз табиий газ, ичимлик суви билан таъминладик. Ўнлаб деҳқонлар ҳовли тўйлари ўтказишди. Хўжалик раҳбари учун одамларни бахтиёр кўришдан ҳам ортиқ хурсандчилик йўқ. Аммо бу кунларга осонликча эришилмади.

Деҳқонлар орасида вояга етдим. Ҳисобчи, агроном, партком котиби бўлиб ишладим. Етти йилдирки, хўжаликка баҳоли қудрат бошчилик қилаяпман. Отам — кекса сувчи Деҳқонбой Сидиқовнинг: «Кўпга суян, камсуқум бўл, сени бахт эшигига эгатлар олиб боради», деган пурҳикмат сўзларининг мағзини чаққандекман.

Зиммага улкан масъулият юкланган куннинг эртасига дала айландим. Ер шароити, одамларнинг орзу интилишлари билан янада яқинроқ танишдим. 6-бригада аъзолари билан бўлган мулоқот кўп нарсани ойдинлаштириб берди.

— Режа бажарилгани билан даромаднинг тайини бўлмаяпти,— менга юзланди саркор Серекбой Саримсоқов.— Чамаси иқтисодни юксалтириш омилларига, тежамкорликка етарли эътибор бермаяпмиз. Колхозчи яхши пул топмаса, тирикчилиги ночор ўтса — сидқидил ишламайди.

Фахрийлар, тажрибакорлар, олимлар билан кенгаш ўтказдик. Ҳамма кўнглида борини юз хотир қилмай тўкиб солди. Барча тармоқни бирдек ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Ўшанда эскича фикрлайдиган, буйруқ билан иш кўришга одатланган баъзи мутахассислар, бригада бошлиқлари ўрнига иқтидорли ёшларни тайинладик. Ижара пудратини кенг жорий этдик. Деҳқонга кенг эркинлик берилди. Ўйлаб қарасам беш-олти хил чигит нави экиларкан. Ўзибўларчиликка барҳам бериб, шароитимизга мос, синовдан ўтган «С-6524» навида тўхталдик. Серекбой акага ўхшаган фидойилар барчага руҳ, мадад бағишлашди. Муср Чирчиқбоев, Олимжон Мусаев, Болтахўжа Исматов сингари сувчи ва механизаторлар ҳар қарич ерни эъзозлашди. Вақт ўтиши билан одамларнинг ишга, заминга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Ҳамёнларига барака кирди.

Раҳбар сифатида мени тўлқинлантиргани кўп миллатли кишилар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳру оқибатнинг кучайганлиги бўлди. Кўпроқ одамлар орасида бўлишга, юрт маъракасидан қолмасликка ҳаракат қилдим. Боқувчисиз оилалар, етим-есирларнинг бошини силашни муқаддас бурч деб билдик. Хусусан Ольга Цой, Таня Жўраева, Анора Бектурғунова каби нуронийларнинг иссиқ-совуғидан, саломатлигидан хабар олиб турамиз. Колхоз томонидан кам таъминланган кишиларга ҳар ойда ун, ёғ ва бошқа неъматлар ажратилмоқда.

Яхшиликка яхшилик қайтади. Отахонлар ўз ҳурматларини амалда кўрсатиб, ажойиб боғ яратиш ташаббусини бошладилар. Исмат Юсупов, Абдуваҳоб Тожибоев, Ҳакимбой Йўлчиев каби суянган тоғларимиз ишнинг оғирини елкаларига олишди. 1990 йили йигирма гектарга мевали дарахтлар ўтқазилди. Кузатиб қолган йилимизда боғдан юз тонна неъмат йиғиштириб олдик. 1994 йилда бу кўрсаткич камида 200 тоннани ташкил этади.

Пахта халқимизнинг асосий бойлиги, иқтисодиётни юксалтиришнинг бош манбаидир. Шу боис тармоқни жадал ривожлантиришга астойдил киришдик. Бор билим, тажрибамни ишга солдим. Умрини пахтачиликка бағишлаган, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг пирлари бизда кўп. Бахтиёр Кенжаев улардан бири. 3-бригада оғир аҳволга тушиб қолганида механизатор бўлиб ишлаётган бу йигитни бригадага саркор этиб тайинладик. У ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни маҳаллий ўғитга тўйинтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этишда чинакам жонбозлик кўрсатди. Шароит оғир бўлишига қарамай 104 гектар ерда баракали ҳосил етиштирди. Бахтиёр Кенжаевнинг ютуғи шундаки, ҳар бир тадбирни бамаслаҳат амалга оширади. Бригадасида қайта-қайта бўлиб, вақт ниҳоятда тиғизлигини эслатиб турди. Буни ҳисобга олган бригадир пахта баргини тўктириш, ҳосилни қисқа вақт ичида нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишларини моҳирона ташкил этди. 1993 йилда ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб оқ олтин йиғиштириб олди. Ватан хазинасига 310 тонна дурдона топширди.

Минг гектар пахта майдонимизнинг ярми қирларда жойлашган. Муаммолар етарли. Аммо деҳқон кўнгли чоғ бўлса, яхши кайфият билан ёниб-жўшиб ишласа ҳар қандай шароитда ҳам яхши натижага эришади. Тўйчи Эргашев ҳам дала дарғаси. Кам гап, чўрткесар бу фидокорга меҳнатим сингганидан бағоят хурсандман. Йил бошида бригадани илғорлар қаторига олиб чиқишга киришгандик. Бир-биримизга тинчлик бермадик. Т. Эргашев одамлар қалбига йўл топишнинг синалган усулларини кенг қўллади. Ҳамиша уларнинг дастурхонида ноз-неъмат бўлишини таъминлади, рўзғорларидан ун, ёғ ва бошқа керакли нарсаларни аритмади. Мутахассисларнинг ҳурматини жойига қўйди. Кузакда биринчилардан бўлиб зафар маррасини эгаллади.

Акром Содиқов бошлиқ бригада хусусида ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Бир вақтлар у ҳузуримга келиб баракали ҳосил етиштиришга кўзи етмаётганлигини, ҳал қилувчи дамларда тажрибасизлиги билинаётганлигини гапирганди. Кўнглини кўтариб, тажрибакорлар билан амалий ёрдам ва мадад кўрсатдик. Асли дунё меҳрдан яралган, деб шоирларимиз жуда тўғри айтишган. Инсон бир-бирига талпиниб яшаса, ҳар қандай мушкулотнинг чораси топилади. Қаранг, Акром Содиқов бригадаси ҳосилдорликни 4 центнерга кўтариб мўмай даромад олди. Ҳозирги кунда қишки дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Барча хўжалик раҳбарлари қатори мен ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан ғоят таъсирландим. Юртбошимиз раҳбарнинг ўрни ва масъулияти ҳақида алоҳида тўхталдилар. Таъкидланганидек, ҳозирги мураккаб шароитда аввало раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Айни пайтда у мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. Шунингдек, талабчан бўлиши даркор. Ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган кишигина халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади.

Буни қалбдан ҳис этаяпман. Биргалашиб одамлар турмуш шароитини яхшилаш, қурилишларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қиладиган бирорта омил назардан четда қолмаяпти. Атлас цехи қурилиб ишга туширилди. Бир гектар ерда теплица хўжалиги бунёд этилаяпти. Йигирма сотихи тайёр. Янги болалар боғчаси, поликлиника, иккита отахонлар чойхонаси қисқа вақт ичида фойдаланишга топширилди. Мустақиллик шарофати туфайли анъаналаримиз тикланмоқда. Ўзлигимизни тобора чуқурроқ англаяпмиз. Хўжалигимиз ҳудудидаги қабристонларни ободонлаштириш ҳақида таклиф киритганимда ёшу қари қизғин қўллаб-қувватлади. Ҳашар уюштирилиб, қабристонлар ободонлаштирилди, деворлар олинди, дарвозалар қурилди. Шу тариқа ота-боболаримизнинг руҳини шод этдик.

Равшанки, йиллар мобайнида тонна-тонналаб пахта етиштирган деҳқонларимизнинг бирлари икки бўлмади. Бизнинг хом ашёни кимлардир ўзларида қайта ишлаб, тайёр ошга шерик бўлишди. Шунча гел қилишгани етар. Энди заршунос ўз ерининг ҳақиқий хўжайини. Шу ниятда ажойиб пахта заводи қураяпмиз. У икки ой ичида ишга тушади. Ишбилармонларга кенг имконият яратганмиз. Фермер хўжаликлари ривожланмоқда. Кимларнингдир эътиборсизлиги билан тугатилган паррандачиликни тикладик. Бошламасига мингта товуқ келтирилди. Эндиликда боғчаларимизни текин сут, тухум билан таъминлаяпмиз. Режаларимиз катта. Келажакда мевани, сутни қайта ишлаш, нон тайёрлаш цехлари гуриллаб ишлайди. Қўшма корхоналар қуришга эътибор кучайтирилади. Бунинг учун имконият бор. Иқтидорли мутахассислар Ўлмас Солиев, Эркин Қорабеков, Ўрозали Жўраев ва бошқалар ёнимга кириб эзгу ниятларни бирин-кетин рўёбга чиқаришаяпти.

«Гулистон» жамоа хўжалиги бу йил давлатга 2.600 тонна пахта топшириб, йиллик режани 116 фоизга адо этди. Ютуқлар сири — ҳамжиҳатлик, омилкорлик, ташаббускорлик. Шу ўринда айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман. Эрта баҳорда қатор хўжаликларнинг раҳбарлари камчиликларга йўл қўйдилар. Улар оқ илдизи кўриниб турган, парвариш қилинса ҳосил берадиган ғўза пайкалларини ҳам ўйламай-нетмай бузиб юбордилар. Баъзи ерларда эса ниҳоллар зараркунандаларга ем бўлди. Сизот сувлари юқори майдонларда ғўзани сентябр ойида ҳам суғориб иккинчи хатога йўл қўйишди. Айрим мутахассислар чаноқлар 60—70 фоиз очилишини кутиб қимматли вақтни бой бердилар. Оқибатда ҳосилнинг бир қисми қор остида қолиб кетди. Хўжалик раҳбарининг асосий вазифаси ҳал қилувчи дамларда янглишмаслик, камчиликка йўл қўймасликдир.

Қалбларга сурур бағишлаб янги йил кириб келмоқда. У мустақиллигимизга қувват бағишласин, халқимиз орзуларини рўёбга чиқарсин, қут-баракага бой бўлсин!

**Қаюмжон ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқарув раиси.**

# КЎНГИЛ-КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ, ХАЛҚ НОИБИ ҲИМОЙИДДИН ШАРОФИДДИНОВ БИЛАН СУҲБАТ**

**— Ҳимойиддин ака, раҳбар ва халқ ноиби сифатида 1993 йилни қандай якунлаяпсиз?**

— 1993 йил қувончли ва хайрли ишларга бой бўлди. Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича республика Президенти чиқарган фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга оширишга баҳоли-қудрат ҳиссамизни қўшдик. Вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган битимда халқнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилган эди. Битимга мувофиқ бу йил 27 минг ўрнига 28 мингдан зиёд болакайларимиз ёзги оромгоҳларда дам олди. Улардан 18 минг нафари эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари бўлгани учун бепул йўлланма билан таъминланди. Йўлланма нархидаги фарқ касаба уюшмалари тарафидан тўланди. Режадаги 4 минг ўрнига 5,5 минг нафардан ортиқ ишчи ва хизматчи сиҳатгоҳлар ва дам олиш уйларида саломатлигини тиклади. Ногиронлар, сурункали хасталикларга чалинган ва бошқа шу турдаги муҳтож кишиларга текин йўлланма тарқатилди.

Вилоят кенгашида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг рўйхати мавжуд. Уларга тиббий ҳамширалар бириктирилган. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда болалар уйларида тарбияланувчи ҳамда камхарж оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Бу ишларга 10 миллион сўм маблағ сарфладик.

Президентимиз Ислом Каримов касаба уюшмалари вакиллари билан учрашиб, ижтимоий муҳофазани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида кўрсатмалар берган эди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари ана шу учрашувда билдирилган йўл-йўриқларни амалга ошириш борасида ҳам кўп иш қилди.

Халқ ноиби сифатида 357-Сариосиё тумани сайловчиларининг топширмаларини адо этишга куч ва ғайратимни сарфлаяпман. Ноибларнинг анжуманида фаол иштирок этяпман. Олий Кенгаш тайёрлаган қонун лойиҳалари юзасидан 100 дан зиёд таклиф ва истак билдирган эдим, уларнинг кўпи қонун қабул қилиш жараёнида инобатга олинганидан мамнунман.

**— Вилоятдан 29 нафар ноиб сайланган экан. Муҳим масалалар юзасидан биргаликда ташаббус билан ҳам чиқдиларингми?**

— Тожикистоннинг Турсунзода туманидаги алюмин заводидан чиқаётган заҳарли дуд кўп туманларимизнинг атроф-муҳитига зиён келтирмоқда. Биз, вилоятдан сайланган ноиблар бу масалани сессияларда икки марта кўтардик. Олий Кенгаш қарорига биноан Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши ноиблари ҳузурида бу масала бўйича фикрлашдик. Натижада корхонанинг заҳарли чиқиндилар таратишига оз бўлса ҳам чек қўйилди.

**(ЎзА).**

# ЁРҚЎРҒОН ФАХРИ

Бу жамоа асосан жўжа етиштириш билан шуғулланар экан. Бу жараёнга қизиқиб қолдик, уларнинг ишлари билан танишдик. 40 сотихдан иборат ерда жўжа очириш биноси, унинг ёнида тегирмон... Ҳар куни 2 тоннадан зиёд буғдой унга айлантириляпти. Яқинда обжувоз ҳам иш бошлади. Йўлдошбой Солиев обжувозда, Қодир Шербоев тегирмонда масъул. Кунига 1 тонна шоли қайта ишланмоқда.

Кичик корхона бошлиғи Усмонжон Ҳожимирзаев билан суҳбатлашдик.

— Мустақил жумҳуриятимиз раҳбарлари Ватанимиз равнақини кўзлаб ишбилармонларга кенг йўл очиб беришди,— дейди Усмонжон.— 1990 йили жўжа очириш ва қорамол боқиш бўйича кичик корхона барпо этишни юрагимга тугиб юрардим. Наманган вилоят Уйчи туман матлубот жамиятлари уюшмаси раҳбарига ана шу тилагимни айтдим. Улар маъқуллашди. Ёрдам беришга ваъда қилишди. Ижара пудрати асосида ишлашга шартнома туздик. Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг дала шийпонини ижарага олдик. Санкт-Петербург шаҳридан жўжа очирувчи дастгоҳларни сотиб олиб келтирдик, ўрнатдик. Дастлаб 20 минг дона тухум қўйилди. 18 кундан сўнг яна 3 кун бошқа турдаги ускунага тухумлар кўчирилади. Очиб чиқаётган жўжа чанг ҳолатда бўлади. Жўжалар митти пуркагичлар ёрдамида намлаш йўли билан ювилади. Шундан сўнг боқиш хоналарига ўтказилади. Биринчи йили 30 минг сўм даромад қилдик. Шунингдек 14 бош новвос, 24 бош қўй ҳам парваришланиб, 40 минг сўмлик даромад олинди. Йилдан йилга соф фойда ортиб бормоқда. 1993 йил эса 400 минг сўм даромад қилишга эришдик.

Биз У. Ҳожимирзаев билан иш жараёнини кузатдик. Бўлажак товуқлар яйраб ўсмоқда. Ҳозир 7,5 минг бош жўжа парваришда.

Усмонжоннинг ўғиллари Равшан, Санжар, Беҳзодлар отаси ёнида камарбаста. Кичик корхона тухум олиб келган ташкилот ва фуқароларга ҳам арзон баҳода хизмат кўрсатади.

Биз жўжахонадан чиқиб, бетонли ариқчаларда чўмилаётган жониворларга кўзимиз тушди. 20 қулочли масофага бетон ариқлар ётқизиб қўйилган. Улар турли сим билан ўралган. Ҳар катакда 5 бошдан қора кузан — норкалар боқилмоқда.

— Фарғона вилоятининг Чимён дам олиш масканида Ҳасанбой деган киши билан танишиб қолдим,— дейди У. Ҳожимирзаев.— У уйида қора кузанни боқар экан. Ҳасанбойдан 50 дона жонивор харид қилиб олдим. Аввал жой ҳозирладим. Ишимга қаноат ҳосил қилмай Ҳасанбойни Ёрқўрғонга олиб келиб, жойни кўрсатдим. Унга маъқул тушди. Сўнг парваришни бошлаб юбордик. Бу жониворлар 4—5 ойда насл беради.

Усмонжон Ҳожимирзаевнинг келгусидаги режалари қора кузанлари кўпайгандан сўнг терини ошловчи ва телпак тикувчи тармоқ очиш. Бундан ташқари жўжа билан савдо қилувчи дўкон, ошхонада таомни тайёрлашни йўлга қўйиш орзусида. Ёрқўрғонлик ишбилармон Усмонжон Ҳожимирзаев раҳбарлик қилаётган кичик корхона жамоаси ҳозир бир бош от, икки бош қорамол, 35 бош қўй, 50 бош қора кузанни парвариш қилмоқда.

**М. ҚОДИРОВ.**



СУРАТДА: кичик корхона бошлиғи Усмонжон Ҳожимирзаев ва обжувозчи Йўлдошбой Солиев.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

**Бекобод районидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги соҳибкорлари эл дастурхонига лимон тортиқ қилишга аҳд қилишди. Бундан уч-тўрт йил олдин хўжаликда иссиқхона ташкил қилиниб 100 туп лимон кўчати ўтқазилган эди. Бу йил ниҳоллар дастлабки ҳосилга кирди. Шифобахш неъматнинг бу тури хўжалик аъзоларига арзон нархда сотилди.**





**СУРАТДА: Иссиқхона соҳибкори Рўзибой Қўзибоев ва хўжалик раҳбари Мўминжон Султонқуловлар лимонзорда.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# МЕҲРИ ОТАШ, ТУПРОҒИ ЗАР

**АЙНИҚСА бу йилги ҳаракатларимиз зое кетмаганидан қувониб ўтирибмиз. Барчамиз ҳосил тақдиридан ташвишда эдик. Ҳалол ва сермашаққат меҳнатимизу омад кулиб боққанидан режаларни ортиғи билан уддалаб юзимиз ёруғ бўлди.**

**Бизнинг ширкатимиз 268 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Режадаги 696 ўрнига 710 тонна пахта йиғиб териб олдик. Ҳосилнинг кўп қисми юқори навларга топширилганидан кўнглимиз тўлди. Ермахон Баубеков, Зияхул Жандарбеков, Абдисаттор Колдасов, Қодир Шилмирзаев, Сапар Кушекеевлар бошчилик қилаётган звенолар юқори кўрсаткичларга эришдилар. Айрим звеноларда ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди.**

**Бизга йилнинг оғир келиши бошдан маълум эди. Бир неча бор қайта чигит экиш бизни умидсизлантирмади. Аксинча, янада яхшироқ ишлашга ундади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сифатли уруғ ўрнига сифатсизроғи экилгандан кейин ўртадаги тафовутни фақат ишбилармонлик билан йўқотиш мумкин эканини вақтида англадик. Техника пахтакор қаноти экани яна бир бор исботланди. Еттита пахта териш машинаси мавсумга муддатидан аввалроқ тахт этилгани жуда қўл келди. Терим техникасини ёппасига ишга туширдик. Ҳар бир машинада 93 тоннадан пахта терилди. Албатта, механизаторларга меҳнат шарт-шароити яратмай туриб, улардан яхшироқ натижани умид қилиб бўлмайди. Шу боисдан терим бошланиши олдидан уларга оилавий эҳтиёжлари учун камёб озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Бепул иссиқ овқат ташкил қилинди. Уларнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи ҳам ўсиб борди. Дастлабки теримда тоннасига 1000 сўм тўланган бўлса, мавсум охирида бу нарх ҳатто 5 минг сўмгача кўтарилди. Усен Жандарбеков, Нурлан Баубеков, Женис Азретев каби механизаторлар 130—143 тоннадан пахта тердилар. Кимки пахта етиштириш агротехникасига моҳирлик билан амал қилган бўлса, улар кўнгилдагидай натижаларга эришди. Яширишнинг ҳожати йўқ, жуда кўп қўшнилар ер чизиб қолдилар.**

**Ширкатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг бошқа турлари бўйича ҳам ютуқларни қўлга киритди. Макка дони етиштиришнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Шунга қарамай, 38 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 ўрнига 63 центнердан ҳосил кўтарилди.**

**Мавриди келганда бу йилги меҳнатларимиз аҳамияти ҳақида икки оғиз айтмоқчиман. Ерни севмаган элни севмаганидек, элни суймаганлар ватанни ҳам сева олмайдилар. Бизнинг меҳнатимиз эркин юртимизнинг шону шарафини мустаҳкамлашга, ҳар қалай, улуш бўлиб қўшилаётганидан ғурурланамиз. Қаранг, мустақил республикамиз икки йилда катта-катта тарихий қадамлар қўйди. Мустақил давлатлар ичида ўзига хос ўрин топди. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасидаги Конституциямиз қабул қилинганининг бир йиллик тўйини муносиб нишонладик. Юрагида заррача ўти борлар, шундай ватанимиз тупроғини ўпса арзийди. Шу ўринда давлатимиз осойишталигини, миллатлар ҳамжиҳатлигини таъминлашдаги беқиёс меҳнати учун юрт отаси, Президентимиз Ислом Каримовга жамоа номидан таъзим қилгим келади. Айтиб қўяй, мен қозоқ ўғлониман, аммо Ўзбекистонни фахр билан ватаним дея оламан. Шу ватанга бор кучим ва меҳнатим билан хизмат қилишга доим шайман.**

Серик ИСЛОМОВ,
Мирзачўл районидаги «Янгидала» ширкатлар уюшмасининг ширкат бошлиғи.

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

**Ғиждувон тумани тайёрлов ва қайта ишлаш, савдо корхонасининг консерва ишлаб чиқариш кичик корхонасида 32 киши меҳнат қилади. Улар уч йилдан буён юзлаб харидорларнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлишаётир. 1992 йилда 14 хил мева-чева, сабзавотни қайта ишлаб, 7 миллион сўм соф даромад қилинганди. 1993 йил эса аҳил жамоа 100 минг шартли банка консерва тайёрлади. Шу жумладан беш минг шартли банка гилос, икки минг шартли банка ўрик шарбати, 12 минг шартли банка тузланган бодринг, 22 минг шартли банка аччиқ-чучук дўконларга юборилди.**

**Кичик корхонанинг ишбилармон жамоаси янги йилни муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олди. Улар 1993 йил режасини 105,2 фоиз қилиб адо этдилар. Айни дамда улар ишни пухта ташкил қилиб, ҳар куни 1500—1800 шартли банкага етказиб маҳсулот ҳозирлашяпти. Муҳиддин Худойбердиев, Рустам Омонов, Илҳом Фатуллаев, Рустам Шодиев, Шариф Бозоров, Қувват Меҳмонов каби илғорлар тенгдошларига ўрнак бўлишаётир.**

Т. МАҚСУДОВ.

# ДАВЛАТМАНД ОДАМ

Инсон янги йил бўсағасида бу йил нима иш қилдим, қайсиларига улгурмадим, дея ўзига-ўзи ҳисоб беради. Келгусидаги ишларини режалаштиради. Орзу эса инсон қаноти.

Шукр, 1993 йилда анча ишга улгурдик. Оилавий фермер хўжалигимиздаги қорамоллар бош сони ўттизга етди. Унинг ўнтаси сигир, ўнтаси ғунажин. Яна қўйларимиз бор. Фермер хўжалигимиз сутчиликка ихтисослашган. Йил давомида давлатга 15 тонна сут топшириш юзасидан шартнома тузилган эди. Уни ортиғи билан адо этдик. Айни кунларда жониворларни қишдан беталофат олиб чиқиш мақсадида бор имкониятларни ишга солаяпмиз. Етарли миқдорда озуқа жамғарилган.

Шуниси эътиборлики, ҳур Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач тадбиркорликка кенг йўл очилди. Астойдил меҳнат қилган, аниқ мақсадни кўзлаган инсон ҳеч кам бўлмаслиги амалда исботини топмоқда.

Ишни янада ривож топтиришни кўзлаб олтита молхона қуришни режалаштирдик. Унинг умумий майдони 250 квадрат метр бўлади. Банкдан тўрт миллион сўм ссуда олдик. Беш гектар еримиз бор. Унда асосан озуқа экинлари етиштирамиз. Эндиги ниятимиз экин майдонини 10 гектарга етказиш. Чунки мол кўпайгани сайин емиш ташвиши ҳам ортаверади. Тўғри, мутасадди хўжалик — «Москва» ширкатлар уюшмаси раҳбарияти катта ёрдам бераяпти. Тез-тез келиб хабар олиб туришади. Ҳар ҳолда ўзингдан чиққанга нима етсин.

Техникадан қийинчилик йўқ. Яқинда янги Т-28Х-4 трактори сотиб олдик. Юк машинамиз бор. Парваришимиздаги моллар наслдор. Яна 8 бош эстон зотли ғунажин харид қилдик. Умр йўлдошим Хосият, фарзандларим Шоира, Ислом, Шуҳратлар ёнимда. Меҳнатимиз самараси уларнинг ғайратига ғайрат қўшаяпти. Ҳалол пешона тери эвазига давлатманд бўлишга нима етсин!

Ҳар ким янги йилни эзгу тилаклар ила қаршилайди. Ўзига ва бошқаларга яхши ниятлар тилайди. Чорвадорнинг нияти доим улуғ: эл дастурхони тўкин бўлсин! Куни кеча оиламиз аъзолари кенгашиб 1994 йилда шартномада белгиланганидан анча кўп гўшт ва сут сотишга аҳд қилдик. Ундан ташқари байрамларда бозордан анча арзон нархда аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб турамиз.

**Яхшилик МУСТАФОЕВ,**
**Мирзаобод районидаги «8-Март» оилавий фермер хўжалиги раҳбари.**



**Обидахон Жўраева Наманган районидаги «Хонобод» жамоа хўжалиги фермасига ишга келганига кўп бўлгани йўқ. Меҳнатсевар қиз қисқа фурсатда илғор сигирсоғарлар қаторидан ўрин олди. У қарамоғидаги сигирларни меҳр билан парваришлаб кунига 400 килограммдан сут соғиб олаяпти.**
**СУРАТДА: О. Жўраева.**

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

# ИШБИЛАРМОН МАГАМЕД



Магамед ишдан ажралмаган ҳолда ўқиди. Молия билим юртини аъло баҳолар билан битириб, институтга ҳужжат топширди. Қурувчи муҳандис бўламан, деган нияти бор эди. Ниятига етди. Умр дарё экан. Тўлиб-тошиб оқаверди. Доғистонда бошланган меҳнат фаолияти Қашқадарё вилоятига келиб яна бойиди. Бир кам ўттиз йил ишлаб, ҳалоллик ва поклик йўлидан чиқмади. Шу йўл билан обрў-эътибор топди, рўзғорни бутлади. Ойлик маошидан тежаб-тергаб енгил машина ҳам сотиб олди. Ейиш-ичишдан бекам эди. Ўзини бахтиёр ҳис этиб яшади. «Каршистрой»да ишлаб юрган кезлари иш юзасидан вилоят районларига тез-тез чиқиб турарди. Ҳаётга синчков кўз билан қараган Магамедга баъзи бир кооператив ва фермер хўжалиги раҳбарлари иши маъқул тушмасди. Уларнинг бемақсад ҳаракатларидан қаттиқ ранжирди. Ўзларини «ишбилармон» деб кўрсатмоқчи бўлган бундай шахслар чўнтакдан бошқа нарсани ўйламасликларини кўриб Магамед куйиб-ёнарди. Бу дард уни ишини ўзгартириб, бошқа касбни танлашга даъват этди. Шу-шу бўлди-ю Қаршидай азим шаҳардаги ҳовли-жойини қолдириб Муборак районига йўл олди. Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбарлари ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашди. Магамедга 800 гектар ер ажратиб беришди. У завод ҳисобидан 260 минг сўм пул қарз олди. Ўша пайтда бу миқдордаги пул билан кўп иш қилиш мумкин эди. Магамед маблағнинг бир қисмини йўл қурилишига сарфлади.

Ишбилармон йигит ёрдамчи хўжалик ташкил этиш тадбирларини олдиндан пухта-пишиқ ўйлаб қўйган эди. Керакли техника, механизм ва асбоб-ускуналар сотиб олди. Жўжа очиришни йўлга қўйди. Мавсумда район хўжаликлари ва аҳолига юз минг жўжа сотилди. Паррандаларнинг бир қисми асраб қолинди. Кунлар ўтиши билан ёрдамчи хўжалик ҳовлиси жўжаларга тўлди. Парвариш яхши йўлга қўйилганлиги сабабли улар тез етилди. Товуқлар тухумга кирди. Ёрдамчи хўжалик учун янги даромад манбаи пайдо бўлди: тухум сотувга чиқди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас ёрдамчи хўжалик қарзини узди. Шундан кейин Магамед оилавий пудрат фермасини тузишга аҳд қилди. Бунга эришди. Қараса, ишчи кучи кам. Бу масалани тезкорлик билан ҳал этди. Ёлланма ишчи кучлари қабул қилди. Фермернинг иши янада жонланди. Даромад кун сайин ошавергач, фермер ишни янада кенгроқ кўламда ташкил этишни ўйлади. Қарши — Бухоро катта йўли ёқасида, фермер хўжалигининг шундоққина биқинида ҳашаматли чойхона биноси қад ростлади. Тадбиркорлик хосияти шундаки, янги чойхона учун керакли асбоб-ускуналарни арзон нархларга сотиб олган эди. Бу чойхонани тезкорлик билан ишга туширишга катта туртки бўлди. Эрта-индин ширмон нон пишириш цехи ҳам фойдаланишга топширилади.

Энди асосий куч молхона ва қўйхона қурилишига ташланди. Ўша йилнинг ўзида 50 бош қорамол ва 760 бош қўй сотиб олинди. Чўчқа фермаси ташкил этиш ҳам Магамеднинг хаёлидан кўтарилмади. Кечаю-кундуз югуриб-елиб чорвага озуқа ҳозирлади. Янгидан қурилган омборлар арпа-буғдой билан, омихта ем билан тўлиб-тошди.

Фермер раҳбарини янги ташвишлар кутарди. У қанчадан — қанча тонгларни уйқусиз кутди. Ишни яхшилаш ниятида мутахассислар билан, раҳбарлар билан фикр алмашди. Магамедга тегишли ёрдам кўрсатилди. Хўжаликка тоза ичимлик суви келтириш масаласи ҳал этилди. Фермернинг қурилиш материалларига бўлган ҳақли талабини инобатга олишди. Турмуш ўртоғи Ревганият Фаталиева, қизи Зуҳра, куёви Темур ва бошқалар намуна кўрсатиб ишлашди. Бирови қозон қайнатди, бирови сигир соғди, бирови чойхона юмушлари билан банд бўлди. Бу орада жўжа очириш, жўжалар парвариши, кундалик ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланишга ҳам вақт ажратилди.

Ишчилар қирқ кишидан ошди. Қурувчиларга ғишт, цемент, сув, асбоб-ускуна дегандай кўп нарса керак эди. Энг муҳими, жамоа аъзолари учун ҳар кун уч маҳал дастурхон ёйилади, улар учун бепул иссиқ овқат тайёрланади. Ишчиларнинг кўпчилиги Муборак шаҳрида туришади. Уларни эрталаб ишга олиб келиш, ишдан кейин уйларига етказиш сингари мураккаб масалалар ҳам фермер зиммасига тушди.

Фермер хўжалиги ташкил топган дастлабки кунлар эди. Магамеднинг Махач исмли жияни ҳалол ва покиза ишлаш ўрнига оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган «ҳунар» чиқарди. Уни зимдан кузатиб юрган тоға жиянига бир неча бор танбеҳ берди. Жияни билганидан қолмади. Магамед уни ишдан четлаштирди.

Леонид Ариянов деган бригадир бор. Бригадада тўрт киши ишлайди. Қайси бири бригадирлигини сезмайсиз. Бараварига меҳнат қилишади. Совуқми, шамолми — ишдан қўли бўшамайди. Ҳар бирови ўн киши бажарган ишни уддалайди. Даромади ҳам шунга яраша бўлади. Ўтган ойда тўрт кишининг меҳнат ҳақи бир миллион 345 минг сўмни ташкил этди. Бошқалар ҳам яхши даромад олишаяпти. Мардчасига ишлаш ана шунақа бўлади...

— Яна бир гап: яхши ишлаб, яхши яшаш учун одамда дадиллик бўлиши керак, — дейди у. — Мени фермер бўлиб ишлашимга дадиллигим иш берди. Бўлмаса ҳозирги оғир шароитда фермерликдан нон топиб ейиш қийин. Яхшигина жойда ишлаяпсан, топиш-топаринг ёмон эмас, иссиқ жойингни совутиб нима қиласан, ота-бобонг фермер бўлиб ўтмаган-ку, деювчилар ҳам бўлди. Барибир, қулоқ солмадим. Кўра-била туриб оғир ишга қўл урдим.

Гап айланиб Зуҳронинг тўйига келиб тақалди. Магамеднинг яккаю ягона дилбандининг тўйига боролмаганлиги рост экан.

— Доғистонга бормаганимдан ўзим ҳам хафаман. Иш кўплик қилди. Ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Тўй десам камида ўн кун кетардим. Бундай қилишга ҳаққим йўқ эди. Тўй яхши ўтибди. Бу гапни оиламдан эшитиб хурсанд бўлдим. Пайти келса, фермер хўжалигида қизим учун дастурхон ёзиш ниятим бор...

Фермер хўжалигининг эртанги кун ҳақида тўлқинланиб гапиргинг келади. Вақти-соати келиб паррандалар юз минг бошдан ошади, жўжа очириш кенг йўлга қўйилади. Ҳар йили камида 1 миллион жўжа сотувга чиқади. Ҳозирги фермер хўжалиги гўшт етиштириш фабрикасига айлантирилади. Район хўжаликларида етиштириладиган гўшт миқёсида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фермер хўжалиги учун харажат қилинган катта миқдордаги пуллар узоғи билан икки — уч йил ичида қопланади.

— Ҳозир мол озуқаси ҳам, парранда озуқаси ҳам деярли сотиб олинаяпти. Биз бунга чек қўямиз, — дейди қатъийлик билан суҳбатдошим. — Келаси йилдан бошлаб озуқа ўзимиздан чиқади. Етарли миқдорда ғалла, беда ва бошқа озуқабоп экинлар экканмиз. Яна экамиз.

Чойхона атрофидан бошлаб то фермер хўжалиги марказига қадар боғ барпо этилади. Мева ва сабзавот маҳсулотлари бозордан сотиб олинмайди. Ишчилар шаҳарчаси қуриш режаси бор. Турар-жой бинолари, кутубхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйлари ва бошқа қурилишлар ана шу ерда қад кўтаради. Спорт майдончалари қуришни ҳам ўйлаб қўйишган... Ҳа демай бу ерга табиий газ етиб келади...

Магамеднинг режалари чиндан ҳам кўп экан. Мен улардан шингилини ҳикоя қилдим, холос. Муборак тумани ҳокими Жумақул Қурбонов Магамед Фаталиевдай фермерларнинг бошини силаш керак, деган эди. Ҳокимнинг сўзлари юракдан чиққанлигига ишончим комил.

**Бозор ЭРҚОРОВ.**

# ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

Паррандачилик фермасига туташ кўлни тартибга келтириб, балиқчиликни йўлга қўйиш Қурбонбойнинг кўпдан орзуси эди. У Гурландаги И. Холматов номли жамоа хўжалигининг паррандачилик фермасига мудир этиб тайинланиши биланоқ ниятини амалга оширишга киришди. Бир пайтлар механизаторлик қилган эди. Шу касб қўл келди. Фермадаги юмушлардан қўли бўшади, дегунча ёнига дўстларини олиб кўлни кенгайтирди. Хуллас, бир ойда уч гектарлик ҳавза тайёр бўлди. Сув қуйилгач, бу жой ўзгача файз касб этди. Сув ўтлари униб чиқди. Ҳовуз атрофига мажнунтол, жийда, терак кўчатлари ўтқазилди. Сўнг кўлга чавоқчалар ташланди.

— Янги йил арафасида у ердан 10 тонна балиқ овланди, — дейди Қ. Сафарбоев. — Луқмаи ҳалолни арзон нархда хўжалик аъзоларига тарқатдик. Эндиги мақсадимиз ҳавзани янада кенгайтириш.

Тадбиркор чорвадор паррандачиликда ҳам аҳволни ўнглади. Ҳозир у ерда 2.750 та жонивор парваришланаяпти. Мингтаси эртаги жўжалар эди, яқинда улар ҳам тухумга кирди. Йиллик топшириқ муддатидан илгари уддаланди. Давлатга 165 минг дона тухум, 2 тонна парҳез гўшти сотилди. Ферма инкубациясидан 46 минг дона жўжа чиқарилиб, вилоят хўжаликларига сотилди. Паррандачилик етти хазинанинг бири, деб бежиз айтишмаган. Товуқ гўнгига харидор кўп. Бу жамоа даромадига даромад қўшмоқда.

Фермада сут чиқиндисидан казеин-елим кукуни тайёрлаш цехи ишга туширилди. Чиқиндиси кўлдаги балиқларга озуқа сифатида берилаяпти. Шунингдек, консерва, дудланган балиқ тайёрлаш цехлари яқин кунларда ишга туширилади. Соҳа билимдонлари Гулпошша Эрназарова, Ёқутжон Матёқубова, Ғайрат Сафарбоев, Гулнора Гулмоновалар фидокорона меҳнатлари билан жамоа ютуғига муносиб улуш қўшишаяпти.

**Озод СОТЛИҚОВ,**
**Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.**

# ШУКУҲ



ҚИШНИНГ ҳам ўзига яраша гашти бор. Далалар оқ парқуга бурканган. Бутун саховатини бободеҳқонга инъом этган она замин куч тўпламоқда. Қишлоғимиз кўркига кўрк қўшган азим дарахтлар табиатнинг мунгли хилқати олдида ўйчан бош эгишган. Байрамона кайфият гулгун чеҳраларда, муомала-муносабатларда яққол сезилади. Муҳими хирмонимиз баракали бўлди, қутлуғ байрамни ёруғ юз билан қаршиладик.

Деҳқонларимиз тадбиркор. Ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг қаловини топишади. Интилувчанлик туфайли мўлжалдаги ҳосилни олишга муваффақ бўлдик.

Жамоамиз давлатга 2.500 тоннадан зиёд уруғлик пахта етказиб берди. Даромад ҳар қачонгидан кўп бўлиши кутилмоқда. Йўлдошали Ҳасановнинг ҳам кайфияти аъло. Юзидан кулги аримайди. Ҳар қанча фахрланса ярашади азамат. Боиси кузатиб қолган йилимизда ишлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйди. Йўлдошали асл деҳқон. У ўзини асло ажратиб кўрсатмайди. Байрамга муносиб совға ҳозирлаш азалий одати. Моҳир ташкилотчи бошлиқ бригада 1993 йилда маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ҳосилдорлик гектарига 45 центнерни ташкил этди. Бу каби пахта усталари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қиш бекорчилик эмас. Устахоналарда иш қизғин: мавжуд техника сифатли таъмирланмоқда. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Ўтган мавсумда катта хирмонга ўзининг 14—15 тонналик шахсий улушини қўшган Кароммат Матмусаева, Моҳинисо Мамадиева, Тўтихон Деҳқонова, Шарофат Раҳмонова каби пахтакорларимиз шу кунларда ҳам тиниб-тинчишмаяпти. Ниятлари келгуси ҳосилга пухта замин яратиш. Яҳё Исмоилов, Имомберди Ҳусанов, Садриддин Турсунматов, Матмуса Деҳқонов каби тажрибакорлар эса ёшларга хосиятли касб сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Хўжалик бошқаруви янги йил байрамини зўр шоду хуррамлик билан ўтказиш учун аниқ тадбирларни амалга оширди. Колхозимиз ҳудудида 2.535 хонадон мавжуд. Жами 13 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳаммаси колхозчи эмас. Ишлаб чиқариш корхоналари йўқлиги сабабли кўпчилик ёшлар шаҳарга иш қидириб кетишарди. Республика раҳбариятининг ғамхўрлиги туфайли корхоналар қурила бошланди. Айни пайтда ғишт заводи, консерва цехи, гилам тўқиш, тикувчилик фабрикаси ишлаб турибди. Кўплаб ёшлар иш билан таъминландилар.

1994 йилдан бошлаб чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қурилиши амалга оширилади. Республикамиз Президентининг Фармонига мувофиқ 310 гектар ер томорқа ва уй-жой қурилиши учун ажратилди. 875 янги оила уй-жой билан таъминланди. 25 чақирим жойга газ қувурлари ўтказилиб 160 хонадонда зангори олов порлади. Янги йил арафасида яна 80 хонадон бундай қулайликдан баҳраманд бўлди. Қишлоқ йўллари атфальтланган. Ичимлик суви билан тўлиқ таъминланганмиз. 16 та дўкон, 4 мактаб, 6 боғча, 100 беморни қабул қила оладиган шифохона, иккита чойхона, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший объектлар ишлаб турибди.

Сувининг шифобахшлиги билан мамлакатимизга донғи кетган 200 ўринли санаторий-профилакторий ҳамиша гавжум. Бу ерда ошқозон-ичак касалликлари даволанади. Хўжаликда қилинаётган хайрли ишлар беиз кетмаяпти. Бу йилги сарҳисоб шуни кўрсатдики, пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан келаётган даромад салмоғи ёмон эмас. Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан дегани шу-да!

**Абдураҳим ЭҲСОНОВ,**
**Бешариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

# ҚЎШ ХАБАР

**Ховос депоси яна олтита электровоз олди. Бу эса мазкур темир йўл узелининг ҳамма участкалари тўла электрлаштирилаётганини билдиради.**

**Бу йил Ховос-Бекобод участкасида электровозлар қатнай бошлади. Янги йил арафасида темир йўлнинг Жиззахгача бўлган қисмини электрлаштириш тугалланади. Бу тадбир йилига 16 минг тонна дизель ёнилғини тежаш имконини беради.**

⊚

**Хоразм вилоятидаги Янгибозор тайёрлаш ва сотиш идораси ходимлари туман қишлоқларидаги камбағал ва ёлғиз кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ташвишларини зиммасига олди. Улар туман ижтимоий таъминот бўлимидан олинган рўйхатга мувофиқ эҳтиёжмандларнинг уйларига трактор тележкаларида картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотларни тарқатдилар. Тайёрлаш идораси жамғармаси ҳисобидан текинга ёрдам кўрсатилди.**

**(ЎзА мухбири).**

# ИНСОН АЗИЗ

Мамлакатимиз ҳаётида тенгсиз қудратга, асрга татигулик салоҳиятга эга бўлган 1993 йил билан хайрлашиб, янги йилни қаршиламоқдамиз. Назаримда ҳар янги йил ҳаётимиздаги навбатдаги бекатга ўхшайди. Одатда манзилга етган киши бир зум тўхтаб, ўтган йўлига хаёлан назар ташлайди. Хўш, 1993 йил биз меҳнаткаш инсонлар ҳаётида қандай из қолдирди, бир сўз билан айтганда у бизга нима берди?

Аввал у меҳнаткашга ўз эркига, мустақиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлади, ишлайман деганга имкон, ишбилармон, тадбиркорга кенг йўл очиб берди. Ана шу ишонч, имкон деҳқонга қанот бағишлади, ўзгача руҳ ҳадя этди, меҳнат қилиб роҳатини кўрмаган инсонларнинг маҳзун кўнглида ерга, мулкка эгалик туйғусини шакллантирди.

Йил ўн икки ой ишлаб меҳнатининг натижасини кўрмаган деҳқон қаддини ростлади, меҳрини ерга берди. Ер эса хазина, у ўз эгасини топсагина бойлигини ҳадя этади. Бугунги деҳқон пешона тери эвазига ердан ризқ-рўзини топди. Буни Собир Зойиров бошчилик қилаётган бригадамиз мисолида кўрса ҳам бўлади. Бригадамиз аҳил жамоаси якунланган йилда ҳосилдорликни 45 центнерга етказдилар. Йиллик режа 130 фоизга уддаланди. Бир сўз билан айтилаётган бу рақамлар замирида қанчалик меҳнат, заҳмат, уйқусиз тунлар бор. Аммо уларнинг бариси фаровон эртамизнинг устунидир. Деҳқоннинг кўнгли тинч, ишончи мустаҳкам бўлса, меҳнат қилиб чарчамайди, чунки бу меҳнат рўзғорини обод, тўкин-сочин, болаларининг порлоқ келажагини яратишини билади-да.

Бригадамиз меҳнаткашлари Президентимиз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлардан хурсанд, чунки улар одил юртбошиларига, у юргизаётган сиёсатга ишонадилар. Ғалабаларимизнинг асосий омили ҳам шунда.

Инсон манфаат кўрган, меҳнати қадрланган ерда мўъжизалар яратади. Пахта йиғим-теримида ҳар килограмм терган пахтага 25 сўмдан 40 сўмгача пул олдик. Бу эса хирмонга баракa олиб кирди, ҳосил ёғинсочинга қолмай йиғиштириб олинишига асос бўлди. Бу йил дугоналарим билан хирмонга 8-10 тоннадан пахта териб, тўкдик. Мавсум давомида илғорлар рағбатлантирилиб борилди. Энг қувончлиси шуки, терим якунида дала шийпонимизда ҳосил байрамини ўтказдик. Бригадамиз илғор теримчилари Олима Каримова, Исмат Ғайбуллаева, Зулфия Саъдиевалар қатори мен ҳам мукофот олдим. Шунда қалбим қанчалик қувончга, ғурурга тўлганини билсангиз эди?! Гап мукофот пулида эмас, балки қадр-қимматда. Инсон ўз меҳнати натижасини кўрса, ғайрати яна жўш уриб, ўз ишига муносабати ўзгаради. Дарҳақиқат, шундай. Инсон меҳнати тўғри баҳоланган жойда ютуқлар кўпайиб, турмуш фаровон бўлади. Шу жиҳатдан ҳам якунланган йил биз учун азиз ва мўътабардир.

Кимлардир нарх-навонинг кўтарилишини сабаб қилиб, менинг фикримга қўшилмас, лекин оддий бир пахтакор сифатида дилдан айтаманки, биз 1993 йилда ёмон яшамадик. Битмаган иморатлар битди, янги уйлар бунёд этилди, пахтакор деҳқон юрагига шамол тегди. Қишлоқларимизда ҳар куни тўй-тантана, дастурхонимиз тўкин-сочин, қозонлар тўлиб ош дамланаяпти. Ҳеч ким оч қолгани, юпун юргани йўқ. Қайтанга одамлар умрида киймаганини кийиб, шод-хуррам яшаяпти. Агар сўзимга ишонмасангиз, бизнинг Пешкуга келинг, қадриятлар тиклангани, деҳқон эъзозини кўрасиз.

Сўзимнинг якунида янги йил мустақил Ўзбекистонимизга эзгуликлар олиб келсин, дейман.

**Фотима ҚУРБОНОВА,**
**Пешку туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси.**



**Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги Президентимиз фармонлари жойларда ўз ифодасини топмоқда. Сайхунобод районидаги Ободон қишлоғи аҳолиси янги йил байрамини зўр қувонч билан кутиб оладиган бўлишди. Район марказидан 14 километр узоқликда жойлашган қишлоққа қувур тортилиб газлаштирилган эди. Янги йил арафасида 140 хонадонда зангори олов порлади. Бундан қишлоқ аҳлининг қувончи чексиз.**
**СУРАТДА: қишлоқ кутубхоначиси Маҳбуба Шомуродова хонадонида ҳам газ ёнди.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# ЮЗ ХИЛ МАҲСУЛОТ

**«Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси янги йил арафасида пластмассадан чиройли арчалар, арчани безатиш учун ҳар хил гуллар, эртак қаҳрамонлари — қорбобо ва митти одамчалар тайёрламоқда.**

**Одатда бу ерда янги йил байрамига олдиндан тайёргарлик кўрилади, байрамга аталган маҳсулотлар тайёрлайдиган цех йил бўйи тўхтовсиз ишлайди. Аммо, ҳозир харидорлар талаби ошгани ҳисобга олиниб, участкадаги ишлар жадаллаштирилди. Янги йилга атаб юз хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ҳаммасини корхона рассомлари тайёрлашган.**

**Тошкентликлар бу маҳсулотларни метронинг «Чилонзор», Ғафур Ғулом бекатлари яқинидаги фирма дўконларида харид қилиши мумкин.**

**(ЎзА).**

